Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Ҳалқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг газетаси

19 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА № 12 (517). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

МУХБИРИМИЗ ФАХРИДДИН ПАРПИЕВ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ

12-13 январь кунлари Москвада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков билан Россия Федерацияси Вазирлар кенгаши раиси В. С. Черномирдин учрашувлари бўлиб ўтди.

Бу ерда икки кун давомида икки томонлама ҳамкорликка оид кенг кўламдаги масалалар муҳокама этилди. Иш юзасидан бўлган бу учрашув, асосан икки мамлакатнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги муаммоларига бағишланди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар кўпгина ривожланган. Иккала мамлакат ҳам МДҲ ва шу Ҳамдўстлик ичидаги коллектив ҳавфсизлик тизими аъзоси бўлиб, рубл минтақасида фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, музокаралар давомида таъкидланганидек, уларни бошқа бир қатор шартномалар ҳам бирлаштириб туради.

1992 йилнинг ноябрида Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Жумҳурияти ўртасида 1993 йилги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Бу шартномада Ўзбекистон ва Россияда ишлаб чиқарилаётган муҳим маҳсулот турларини етказиб бериш миқдорлари белгиланган. Шунга кўра Ўзбекистон Жумҳурияти 544 минг тонна пахта толаси, Россия эса 4 миллион тонна нефть, 150 минг тонна автомобил бензини, 71 минг тонна дизел ёқилғиси, 700 минг тонна қорамой етказиб бериш мажбуриятини олган.

Россиядан жўнатиладиган маҳсулотлар (100 дан зиёд) тури кескин қисқаргани муносабати билан 1993 йилда шартнома-савдо ёки бевосита таъминотчи ва истеъмолчи ўртасидаги битим орқали шартнома асосидаги ўзаро таъминот жадал ўсиб боради. Икки мамлакатнинг айрим тармоқлари ўртасидаги таъминот тўғрисидаги кўпгина шартномалар ҳам тўғридан-тўғри йўсинда бўлади.

Ҳар икки мамлакатда иқтисодий қийинчиликлар бўлишига қарамай, бизнинг муносабатларимиз ижобий характер касб этмоқда. Ўзбекистон Жумҳурияти Президенти И. Каримов Ўзбекистон билан Россия ўртасида ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги муносабатларни мустаҳкамлащ ва яхшилашга қаратилган талайгина ишлар қилди.

Москвада бўлиб ўтган музокаралар бир қатор ҳукумат битимларини имзолаш билан якунланди. Чунончи, 1993 йилда Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Жумҳурияти ўртасида маҳсулотларни ўзаро нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали етказиб бериш тўғрисидаги Протокол, 1993 йилда Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Жумҳурияти ҳукуматлари ва марказий банклари ўртасида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш Протоколи ва бошқа бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Аҳдлашувларга мувофиқ маҳсулотларни нақд пулсиз ва ўзаро боғлиқ ҳолда етказиб бериш шартнома асосида бўлади: Россия томонидан — «Ростконтракт» федерал шартнома корпорацияси орқали, Ўзбекистон томонидан — «Узконтракторг» Ўзбекистон Давлат акционерлик ассоциацияси орқали.

Бир-бирларига нақд пулсиз етказиб бериладиган маҳсулотлар учун жаҳон нархларидан келиб чиққан ҳолда айрибошлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади, ўртада пул маблағлари бориб-келиб юрмайди. Ўзаро боғлиқлик асосида етказиб бериладиган маҳсулотлар учун Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Жумҳурияти банкларида очилаётган махсус корреспондентлик ҳисоблари орқали шартномаларда айтилган шартларда ҳисоб-китоб қилинади.

Россия Федерацияси ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Жумҳурияти Марказий банки ўзаро ҳамкорлик ва вужудга келган хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш манфаатларини кўзлаб, шунингдек Бишкек ва Москвадаги музокаралар чоғида эришилган аҳдлашувларни инобатга олган ҳолда 1992 йилдаги савдо-иқтисодий алоқалар натижасида вужудга келган қарз мажбуриятлари ва талабларни тартибга солишга келишдилар. 1993 йилнинг 15 апрелигача ҳал бўлмай қолган қарз мажбуриятлар ва талабларни халқаро амалиётда қабул қилинган меъёр ва тартибда ҳукуматлараро кредит сифатида расмийлаштиришга қарор қилинди.

Ўзбекистон Жумҳурияти Марказий банки 1993 йилнинг январидан бошлаб Россия Федерацияси Марказий банки билан келишилган рублнинг валюта курсини қўллайди.

Қабул қилинган протоколларга мувофиқ Россия Федерацияси ҳукумати Ўзбекистон Жумҳурияти Марказий банкининг корреспондентлик ҳисобидан савдо операциялари билан боғлиқ тўлов ва тушумлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун Россия Федерацияси Марказий банкига 1993 йил охирида 150 миллиард сўм, нақд рубллар ажралиши билан боғлиқ операцияларга эса 500 миллиард сўм ажратишга розилик беради.

Бундан ташқари Ўзбекистон Жумҳурияти ҳукуматининг 1993 йилда икки томонлама асосда Россиядан маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги ҳукуматлараро савдо-иқтисодий шартномага қўшимча илова киритиш борасидаги илтимоси тўла қондирилди. Ўнлаб турдаги бу маҳсулотлар ўрнига Ўзбекистон томони Россияга зарур бўлган самолётлар, пахта мойи, капролактам, ёнилғи-энергетика мажмуаси учун кабел маҳсулотлари ва тозаланган мис, жун, шойи газлама ва бошқа маҳсулотларни тавсия этмоқда.

Икки мустақил давлат ўртасидаги музокараларга якун ясаб, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон билан Россиянинг иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида яна бир йирик қадам ташланди, бу қадам, сўзсиз, иккала давлат манфаатларига хизмат қилажак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори

АҲОЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ЖАМҒАРМАЛАР БАНКИ МУАССАСАЛАРИДА САҚЛАНАЁТГАН ОМОНАТЛАРИ БЎЙИЧА ЯНГИ ФОИЗ СТАВКАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Нархларнинг эркинлаштирилиши муносабати билан аҳоли жамғармаларини ўз қийматини йўқотишдан муҳофаза қилиш ва аҳоли пул маблағларини жамғарма банкларига қўшимча равишда жалб этиш мақсадида Вазирлар маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Аҳолининг Ўзбекистон давлат-тижорат жамғармалар банки муассасаларида сақланаётган омонатлари бўйича фоиз ставкалари қуйидаги миқдорларда тасдиқлансин:

— йўқлаб олинадиган омонатлар бўйича — 3 фоиздан 10 фоизга;

— муддатли омонатлар бўйича:

— бир йилдан 3 йилгача сақланган омонатлар бўйича — 7 фоиздан 20 фоизга;

— 3 йилдан 5 йилгача сақланган омонатлар бўйича — 10 фоиздан 30 фоизга;

— 5 йилдан ортиқ сақланган омонатлар бўйича — 15 фоиздан 45 фоизга;

ёшлар-мукофотли омонатлари бўйича — 7 фоиздан 20 фоизга;

болалар мақсадли омонатлари бўйича — 15 фоиздан 45 фоизга;

тўпланадиган омонатлар бўйича — 15 фоиздан 45 фоизга;

ютуқли омонатлар бўйича — 2 фоиздан 6 фоизга;

— сақланиш муддати белгиланган жамғармалар бўйича:

1 йилдан 3 йилгача — 20 фоиз;

3 йилдан 5 йилгача — 30 фоиз;

5 йилдан кўп бўлганда — 45 фоиз.

— ёшлар-мукофот омонатлари бўйича — 20 фоиз;

— мақсадли болалар омонатлари ва тўпланадиган омонатлар бўйича — 45 фоиз;

— ютуқли омонатлар бўйича — 6 фоиз.

2. Аҳоли омонатларининг Ўзбекистон Марказий банки ва тижорат банкларида кредит ресурслар сифатида жойлаштирилиши ҳисобига пайдо бўладиган жамғармалар банки муассасаларининг даромадлари аҳолининг омонатлари бўйича фоиз ставкаларини оширишнинг асосий манбалари этиб ҳисоблансин.

3. Янги фоиз ставкалари Ўзбекистон жамғармалар банки муассасаларида сақланаётган омонатларга 1993 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий қилинсин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар маҳкамасининг «Аҳолининг Ўзбекистон жамғармалар банки муассасаларида сақланаётган омонатлари бўйича фоиз ставкаларини ошириш ҳақида» 1992 йил 5 майдаги 223-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 16 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Бозор муносабатлари шаклланаётган ва нарх-навога эрк берилаётган шароитда республика ҳукумати аҳолини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан, шу жумладан жамғарма банкида омонат тарзида сақланаётган шахсий жамғармаларга таллуқли масалалар юзасидан аниқ мақсадни кўзловчи чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Вазирлар маҳкамаси қабул этган қарорда омонатларнинг барча турлари бўйича ставкалар яна бир бор — уч баравардан зиёд оширилди:

йўқлаб олинадиган омонатлар бўйича — 3 фоиздан 10 фоизга;

муддатли омонатлар бўйича:

— бир йилдан 3 йилгача сақланган омонатлар бўйича — 7 фоиздан 20 фоизга;

— 3 йилдан 5 йилгача сақланган омонатлар бўйича — 10 фоиздан 30 фоизга;

— 5 йилдан ортиқ сақланган омонатлар бўйича— 15 фоиздан 45 фоизга;

ёшлар-мукофотли омонатлари бўйича — 7 фоиздан 20 фоизга;

болалар мақсадли омонатлари бўйича — 15 фоиздан 45 фоизга;

тўпланадиган омонатлар бўйича — 15 фоиздан 45 фоизга;

ютуқли омонатлар бўйича — 2 фоиздан 6 фоизга;

Бу тадбир аҳолининг бўш пул маблағини омонат банкида сақлашдан манфаатдорлигини ошириш ва уни пулнинг қадрсизланишидан ҳимоя қилиш имконини беради.

Масалан, янги фоиз ставкалари бўйича **муддатли омонатларнинг ҳар 1000 сўм ҳисобига** сақлаш муддати тугагандан кейин қуйидагича даромад олинади:

1 йилдан 3 йилгача — биринчи йил 200 сўм, иккинчи йил 440 сўм ва учинчи йил 728 сўм;

3 йилдан 5 йилгача — биринчи йил 300 сўм, иккинчи йил 690 сўм, учинчи йил 1197 сўм, тўртинчи йил 1856 сўм ва бешинчи йил 2712 сўм;

5 йилдан ортиқ — биринчи йил 450 сўм, иккинчи йил 1102 сўм, учинчи йил 2048 сўм, тўртинчи йил 3419 сўм, бешинчи йил 5407 сўм.

Болалар учун мавжуд мақсадли омонатлар ва жамғарма омонатлари бўйича ҳам айнан шундай даромад олинади.

Пулни қўлда сақлаш унинг қадрсизланишига олиб боради, энди фуқаролар ўз маблағларини жамғарма банкка омонатга қўйсалар, янги фоиз ставкаларига мувофиқ омонатнинг тури ва миқдорига, сақлаш муддатига қараб мўмай даромад олишлари мумкин.

ВАКОЛАТ ҲАМ, ОБРЎ ҲАМ БЎЛАДИ

Январь ойидан бошлаб Наманган вилояти туман ва шаҳар халқ ҳокимияти идоралари ходимлари рўйхатида янги лавозим пайдо бўлди.

Энди ёшлар иттифоқи ташкилотларининг биринчи котиблари айни вақтда ҳокимларнинг ўринбосарлари ҳам ҳисобланади. Уларнинг вазифаси ёшларни ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан, «Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ёшларга оид сиёсати асослари тўғрисида»ги қонуннинг рўёбга чиқарилишини назорат қилишдан иборат. Янги ваколатлар уларнинг обрў-эътибори кўтарилишига кўмаклашибгина қолмай, ёш авлоднинг ижтимоий муҳитга кўникиши соҳасидаги барча ташаббусларни амалга ошириш ишини анча енгиллаштиради.

(ЎзА мухбири).

НАВОИЙНИ ДУНЁ ЭШИТАДИ

Навоийликлар учун яна бир қулайлик яратилди.

Энди вилоят марказидан навоийликлар дунёнинг истаган шаҳарлари билан телефон орқали гаплашиш имкониятига эга бўлдилар. Илгари бунинг учун 3—4 кун вақт керак бўлар эди. Айни вақтда йўлдош орқали гаплашишга бир соатнинг ўзи кифоя қилади. Ана шу қулайликни яратишда шаҳарлараро телефон станцияси ишчи-хизматчиларининг хизматлари катта бўлди.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғани ўғли КАРИМОВга

Муҳтарам Ислом Абдуғани ўғиллари!

Оллоҳга шукурлар бўлсинки, халқимиз бахтига Сиздек юртбошига, ишни кўзини биладиган Президентга муяссар бўлдик. Тиним билмай олиб бораётган снёсатингиз туфайли юртимиз тинч, халқлар осойишта. Вилоятимизнинг ҳамма жойларида жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланиб, ижтимоий-снёсий барқарорлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Фарғона, Қўқон, Марғилон шаҳарларида кенг томир отган уюшган жиноятчилар гуруҳлари қўлга олинганидан буён улуснинг ороми, тинчлиги қайтгандек бўлмоқда.

Оталарига раҳмат, халқ манфаатини кўзлайдиган раҳбарлар ҳам бор экан-ку, деган гапни барча шаҳар, қишлоқ ва маҳаллаларда, жамоат жойларида, мачитларда эшитиш мумкин.

Шунинг учун Фарғона вилояти диндорлари номидан халқимизга мислсиз ғамхўрликлар кўрсатиб, айниқса, ҳаловатимизни бузаётган жиноятчиликни таг-томири билан емириб ташлаш йўлидаги улкан меҳнатларингиз учун, Сиз, ҳурматли Президентимизга, вилоятимиз ҳокимлиги раҳбарларига, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига чин дилдан чексиз миннатдорчилик изҳор этамиз. Ўзингиз бошчилигингиздаги ҳур Ўзбекистонимиз мустақиллигини тўла-тўкис таъминлаш, мамлакатимизни дунёдаги энг қудратли ва илғор давлатлар қаторига олиб чиқишдек олижаноб фаолиятингизда омад тилаймиз. Биз ҳам бу соҳада камарбаста бўлишга тайёрмиз.

Оллоҳ ҳамиша сизга ёр бўлсин!

Фарғона вилояти уламоларидан:

Мулла Нуруллахон ҳожи Фаттоҳов, Собир Қори Эминов, Жўрахон ҳожи, Абдураҳмон ҳожи Абдуллажон Махсум ўғли, Аъзамхон ҳожи, Йўлдош ўғли Тоҳиржон ҳожи, Рустамжон ҳожи Расулжон ўғли, Ҳафизов Абдували ҳожи, Нуруллохон ҳожи Абдуллохон ўғли.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Ушбу хабарнома орқали Сизга шуни маълум қиламизки, Ўзбекистон миллий ҳавфсизлик хизмати уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси ходимларининг шу кунларда вилоятимиз миқёсида жиноятчиликка қарши олиб бораётган амалий тадбирларидан хурсандмиз.

Инсонларнинг тинчлиги қонуний ҳимояланиши халқимизнинг янада унумли меҳнат қилишига замин яратади.

Ўзбекистон Жумҳурияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатингиз, шу ишларни амалга оширишда ҳалақит бераётган бузғунчилар, муттаҳам ўғрилар, йўлтўсар босқинчиларга қарши кўраётган чораларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Қувасой чинни буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Ушбу шошилинчномани Сизга шаҳар аҳли илтимосига кўра йўллаяпмиз. Кўҳна ва Навқирон Марғилон аҳли Сизнинг республикамиз равнақи, ҳақиқий демократик давлат яратиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни барқарорлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатингизни қизғин қўллаб-қувватлайди. Бу йўлда Сизга собитқадамлик, мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

Марғилонликлар Фарғона, Андижон вилоятларида Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ходимлари томонидан бетайин шахслар, рэкетчилар, безори, қонунбузар ва бошқа жиноий гуруҳларга нисбатан олиб борилаётган жиддий чора-тадбирларни қизғин маъқулламоқдалар. Биз ишонамизки, хайрли иш, албатта,ниҳоясига етказилади. Ўз навбатида биз ишак шаҳри меҳнаткашлари истиқлолимиз иқболи, жонажон юртимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида янада астойдил ишлаб, шаҳримизни республикамизнинг энг намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарларидан бирига айлантирамиз деб ишонтирамиз.

Марғилон шаҳри жамоатчилиги номидан: шаҳар уламолар кенгаши раиси Рустам ҳожи Расулжон ўғли, Ёйилма маҳалласи мингбошиси Асилжон Бадалов, байналмилалчи жангчилар уюшмаси раиси А. Воҳидов, фахрийлар кенгаши раиси Р. Алижонов, Яссавий номли маҳалла мингбошиси М. Мирҳомидов, Бобур номли маҳалла мингбошиси С. Мирзаев, Ғалатой маҳалла мингбошиси Ж. Тошболтаев, Хўжаэгиз маҳалла мингбошиси М. Халилов.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга

Кейинги вақтларда одамлар ва давлат мулкига тажовуз қилувчи шахсларнинг фаолияти кучайиб кетганлиги Республика фуқароларини ҳақли равишда ташвишга солаётганди.

Жумҳурият миллий ҳавфсизлик комитетининг уюшган жиноятчиларга қарши кескин кураш бошлагани айни муддао бўлди. Бу борада бизнинг шаҳримизда катта ишлар қилинмоқда. Жиноятчиликка, қонунбузарликка қарши қаратилган барча чора-тадбирларни қўллаб қувватлаймиз.

Қўқон ип-йигирув-пайпоқ тўқиш бирлашмаси ишчи-хизматчилари.

МАШИНАСОЗЛАР ИСТИҚБОЛНИ БЕЛГИЛАБ ОЛМОҚДАЛАР

16 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси машинасозлик мажмуи раҳбарларининг кенгаши бўлди. Унда ўтган йилга якун ясалди ва янги йилнинг вазифалари белгиланди. Кенгашда вазирликлар, идоралар, банклар, бирлашмалар, концернлар, корхоналарнинг раҳбарлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Р. Ражабов бошқарди.

Анъанавий иқтисодий алоқалар узилиши сабабли келиб чиққан қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон машинасозлари 1992 йилни муваффақиятли якунлаганликлари қайд этилди. Таққослама нархларда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари 5 фоиз ошди. Бироқ иқтисодий мустақиллликка эришиш учун бу кўрсаткич етарли эмас. Машина ва асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжларни имкони борича ўзаимиздаги ишлаб чиқариш ҳисобига қондириш лозим. Бу иш Ўзбекистон машинасозлик мажмуининг бош вазифаси бўлиб қолиши керак. Айни вақтда маҳсулотни чет элларга чиқариб сотишдан ҳам воз кечиб бўлмайди. Шу боисдан маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш зарур.

Машинасозлик мажмуи корхоналари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор беришлари керак. Бултур бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш 19 фоиз кўпайди. Кенгашда бу йил ишлаб чиқарила бошлаган янги маҳсулотларнинг нусхалари намойиш қилинди.

Машинасозлик мажмуи корхоналарининг раҳбарлари республика давлат стандартининг, давлат божхоналар комитетининг, бош солиқ бошқармасининг янги талаблари билан, бозорга оид қонунлардаги ўзгариш ва қўшимчалар билан таништирилди.

Кенгаш қатнашчилари Ўзбекистон саноат корхоналарининг раҳбарлари ва меҳнат жамоаларига мурожаат этиб, республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришиш, барқарорлик ва тинчликни сақлаш йўлини қўллаб-қувватлашни таклиф қилдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Возненко нутқ сўзлади.

(ЎзА).

Сарой ашёлари кўргазмаси

Бухоро Амирининг ёзлик боргоҳи-Ситораи Моҳи Хосада очилган кўргазма ўтмишда машҳур усталар ясаган ашёлар билан танишиш имконини беради. Унда турли хонтахталар, ўриндиқлар ҳамда Амир ва унинг оиласига қарашли бошқа анжомлар намойиш қилинмоқда. Кўргазмага қўйилган буюмлар усталарнинг зўр маҳоратини, шунингдек, Бухоро ҳукмдорининг дидини акс эттиради.

Ўзбекистон тажриба илмий-таъмирлаш бадиий устахонаси мутахассислари сарой ашёларини таъмирлаб, янгилаб бердилар. Улар Амирнинг тахтини ҳам таъмирладилар. Тез орада бу ерда бошқа буюмлар ҳам намойиш қилинади. Усталар сарой ашёларини таъмирлашни давом эттиришмоқда.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Қонуни

ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун хўжалик жамиятлари ва ширкатларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари

1. Хўжалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахсларнинг ҳамда жисмоний шахсларнинг ўртасида ўз ҳиссаларини ва мол-мулкини бирлаштириш асосида ўзаро ихтиёрий келишувига мувофиқ тузиладиган корхоналар хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ҳисобланади.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатларига қуйидагилар киради:

акцияли жамиятлар;

масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар;

тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари.

Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарнинг хўжалик ассоциациясига: иттифоқ, концерн, консорциум, корпорация ва бошқа уюшмаларга бирлашишга ҳақлидир.

2. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари юридик шахс ҳисобланиб, «Ўзбекистон республикасида корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, ушбу Қонун, бошқа қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари асосида иш олиб боради.

Қорақалпоғистон Республикасида жамиятлар ва ширкатлар ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солинади.

2-модда. Жамият ва ширкат қатнашчиларининг таркиби ва ваколатлари

1. Жамият ва ширкат камида икки қатнашчидан иборат бўлади. Бошланғич устав фонди шакллантирадиган қатнашчилар жамиятнинг ва ширкатнинг муассислари ҳисобланадилар.

Жамият қатнашчиси бўлган корхоналар (ташкилотлар) юридик шахс мақомини сақлаб қолади.

Давлат ҳокимияти идораларининг жамиятлар ва ширкатлар фаолиятида иштирок этиши ман қилинади.

Давлат бошқаруви идоралари қонунларда бериб қўйилган ваколатлар доирасида давлат мулкини идора этиш бўйича жамият ва ширкат қатнашчиси бўлиши мумкин.

Жамятларда ва ширкатларда ажнабий юридик ва жисмоний шахслар қатнашишининг ўзига хос жиҳатлари амалдаги қонунларга биноан белгиланади.

2. Жамият ва ширкат қатнашчилари:

таъсис ҳужжатларида белгиланадиган тартибда жамият ва ширкат ишларини бошқаришда иштирок этиш;

жамият ва ширкат фаолиятидан тушадиган ўзларига тегишли фойдани (дивидендни) пул билан ифодаланган ҳолда ҳам, натурал ҳолда ҳам олиш. Давлат бошқарув идораси бўлмиш жамият ва ширкат қатнашчисига тегишли фойданинг (дивиденднинг) бир қисми у томонидан ўзининг ижтимоий тараққиётига ҳамда ушбу жамиятни бошқариш билан боғлиқ мақсадларга ишлатилиши мумкин;

таъсис ҳужжатларида белгиланадиган тартибда жамият ва ширкат фаолияти тўғрисидаги ахборотдан воқиф бўлиш, шу жумладан бухгалтерлик ҳисоб-китоби ва ҳисоботи ҳамда ўзга ҳужжатлар билан танишиб чиқиш;

белгиланган тартибда жамият ва ширкат таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Жамият ва ширкат қатнашчилари шу жамият ва ширкат ишлаб чиқараётган (кўрсатаётган) маҳсулотни (хизматни) олишда устун ҳуқуқа, қонунларда ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга эгадирлар.

3. Жамият ва ширкат қатнашчилари:

жамият ва ширкат таъсис ҳужжатларининг қоидаларига риоя этишлари, жамият ва ширкатнинг умумий йиғилиши ва бошқа бошқарув идоралари қарорларини бажаришлари;

таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдор ва усулларда улуш қўшишлари (акциялар ҳақини тўлашлари);

тижорат сиридан иборат бўлмиш жамият ва ширкат фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор қилмасликлари;

Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни адо этишлари шарт.

Ширкат (жамият) қатнашчилари жамият ишлаб чиқарадиган маҳсулотни олишда (хизматлардан фойдаланишда) устун ҳуқуққа эга бўлишлари мумкин, улар зиммасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-модда. Жамият ва ширкатнинг таъсис ҳужжатлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби

1. Таъсис шартномаси ва устав хўжалик жамиятларининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади. Акцияли жамият уставга асосан, масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таъсис шартномаси ва устав асосида иш кўради. Тўлиқ ва коммандит ширкатлар таъсис шатномаси асосида тузилади ва иш юритади.

2. Таъсис шартномасида:

таъсис этилаётган жамият ва ширкат тури, уларнинг фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

қатнашчилар (муассислар) таркиби;

таъсис этилаётган жамият ва ширкатнинг фирма номи ва манзилгоҳи;

устав фондининг миқдори ва уни ҳосил қилиш тартиби;

даромадларни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

қонунларга зид келмайдиган бошқа шартлар тўғрисидаги маълумотлар бўлади.

3. Жамият уставида:

фирма номи ва унинг манзилгоҳи;

фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддати;

устав фондининг миқдори;

ҳар бир қатнашчига тегишли улуш миқдори;

улар қўшадиган ҳиссанинг миқдори, таркиби, қўшиш муддатлари ва тартиби;

устав фондини ошириш ёки камайтириш тартиби;

чиқарилаётган акцияларнинг турига, номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг ўзаро нисбати;

даромадларни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби;

заҳира фондларни ва ўзга фондларни ҳосил қилиш тартиби;

улушларнинг эгаларини ўзгартириш тартиби;

жамият қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

жамиятни бошқариш тузилмаси, ижрочи ва назорат идоралари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

қатнашчилар йиғилишининг ваколатлари;

йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;

жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;

жамият фаолиятининг хусусиятига кўра зарур бўлган ўзга маълумотлар акс эттирилиши керак.

4. Жамият ва ширкат Ўзбекистон Республикасининг қонунларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

5. Давлат корхонаси жамиятга ёки ширкатга айлантирилганда уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун молмулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ордернинг нусхаси қўшимча тарзда тақдим этилади.

4-модда. Жамият ва ширкатнинг мулки

1. Ширкат ва жамият:

муассислар ва қатнашчилар томонидан унинг эгалигига берилган мол-мулкнинг;

хўжалик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг;

олинган даромадларнинг;

қонунларда тақиқланмаган асосларга кўра сотиб олинган ўзга мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади.

2. Жамият ва ширкат амалдаги қонунларга мувофиқ тарзда қимматли қоғозлар чиқариш ва улардан даромад олишга ҳақлидир.

3. Жамият ва ширкат қатнашчисининг қўшадиган ҳиссаси бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, ўзга моддий бойликлардан, қимматли қоғозлардан, ер, сув ва ўзга табиий бойликлардан, бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ҳуқуқидан, шунингдек ўзга мулкий ва мулкка оид бўлмаган ҳуқуқлардан, пул маблағларидан иборат бўлиши мумкин. Қўшилаётган мол-мулкнинг қиймати жамият қатнашчиларининг биргаликдаги қарори билан белгиланади.

Қайта тузилаётган давлат корхонаси (ташкилоти)нинг мол-мулкини баҳолаш қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Пул кўринишида баҳоланган, устав фондига қўшилган ҳисса қатнашчининг устав фондидаги улушини ташкил этади.

5. Қатнашчи мол-мулкини жамиятга фақат фойдаланиш учун ўтказган ҳолларда қатнашчи ҳиссасининг миқдори ҳамда мос равишда унинг улуши, башарти, таъсис ҳужжатларида ўзга ҳол қайд этилмаган бўлса, жамият ва ширкатнинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган бутун фаолият муддати учун ёки қатнашчилар томонидан белгиланган ўзга муддат учун ана шу мол-мулкдан фойдаланганлик эвазига ижара ҳақи эътиборга олинган ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

5-модда. Давлат корхоналарини хўжалик жамиятларига ва ширкатларига айлантириш

1. Давлат корхонасини хўжалик жамияти ва ширкатга айлантириш ҳамда шу хусусда қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалга оширилади.

2. Корхонанинг юридик шахс ҳисобланмайдиган тармоқ бўлинмасини хўжалик жамиятига ва ширкатга айлантириш мулкдорнинг ёки у вакил қилган идоранинг розилигига биноан, уларни олдиндан мустақил давлат корхонасига айлантирмай туриб амалга оширилади.

6-модда. Жамият ва ширкат фаолиятини тўхтатиш

Жамият ва ширкат фаолияти:

у тузилаётганида мўлжал қилинган муддат тугаганда ёки уни тузишдан кўзланган мақсадга эришилганда;

у синганда ёхуд қонунларни сурункасига ёки кўпол равишда бузган ҳолларда тегишли суднинг қарорига асосан;

жамият ва ширкатни бошқариш олий идорасининг қарорига биноан;

уларни тугатилган ва қўшиб юбориш, бирлаштириш, ажратиш, бўлиш ёки қайта ташкил этилган тақдирда;

таъсис ҳужжатларида ва амалдаги қонунларда кўзда тутилган бошқа асосларга кўра тўхтатилиши мумкин.

Жамият ва ширкатни тугатиш ҳамда қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

7-модда. Низоларни қараб чиқиш тартиби

Жамият ва ширкатларнинг ўзаро, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамда чет эл юридик шахслари ва фуқаролар билан низоларни қонунларда белгиланган тартибда суд, хўжалик суди ва холислар суди томонидан кўриб чиқилади.

II БЎЛИМ. АКЦИЯЛИ ЖАМИЯТ

8-модда. Акцияли жамият

1. Кўрсатилган номинал қийматига тенг акцияларнинг муайян миқдорига бўлинган устав фондига эга бўлган ҳамда мажбуриятлари бўйича фақат ўз мол-мулки билан жавобгар бўладиган жамият акцияли жамият деб эътироф этилади.

2. Акцияли жамият очиқ ёки ёпиқ турда бўлиши мумкин, бу ҳол уставда қайд этилади.

9-модда. Акцияли жамиятни тузиш ва унинг муассислари

1. Акцияли жамият мавжуд корхонани ўзгартириш ёки янги корхона тузиш йўли билан таъсис этилиши мумкин.

2. Юридик ва жисмоний шахслар акцияли жамият муассислари бўлиши мумкин. Муассислар ўзаро шартнома тузадилар, унда акцияли жамиятни тузиш юзасидан улар ҳамкорликда амалга оширадиган фаолият тартиби, уларнинг акцияларга ёзилган шахслар ҳамда учинчи шахслар олдидаги жавобгарликлари белгилаб қўйилади.

Муассислар жамиятнинг рўйхатдан ўтгунга қадар вужудга келган мажбуриятлари юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

10-модда. Акцияли жамиятнинг устав фонди

1. Акцияли жамиятнинг устав фонди ёпиқ турдаги жамиятда беш юз минг сўмдан ва очиқ турдаги жамиятда бир миллион сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

2. Илгари чиқарилган акциялар учун номинал қийматидан кам бўлмаган ҳақ тўлалигича тўланган бўлса акцияли жамият устав фондини кўпайтиришга ҳақлидир, устав фонди мол-мулкни натура кўринишида ўтказиш йўли билан кўпайтириладиган ҳоллар бундан мустаснодир.

Устав фонди янги акциялар чиқариш воситасида оширилади. Акциядорлар қўшимча равишда чиқарилган акцияларни сотиб олишда устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

3. Устав фондини камайтириш акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг бир қисмини бекор қилиш мақсадида эгаларидан сотиб олиб акциялар миқдорини камайтириш йўли билан амалга оширилади.

Устав фондининг миқдори камайтирилиши тўғрисидаги қарор барча акциядорларнинг эътиборига етказилгандан сўнг бир йил вақт ўтгач, бекор қилиш учун тақдим этилмаган акциялар ҳақиқий эмас деб топилади.

11-модда. Акциялар

1. Акциялар қимматли инвестицион қоғозлар бўлиб, у эгаси акцияларнинг жамият устав фондида қатнашиш ҳуқуқини тасдиқлайди ҳамда уларга мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни беради.

2. Очиқ турдаги жамиятнинг акциялари бошқа акциядорларнинг розилигисиз қўлдан қўлга ўтиши мумкин. Ёпиқ турдаги акцияли жамиятнинг акциялари фақат эгаси ёзилган бўлиши мумкин, уларни бошқа шахсларга бериш тартиби уставда белгилаб қўйилади.

3. Ёпиқ турдаги акцияли жамиятлар акциялар ўрнига акциядорларга акциянинг номинал қийматига тенг суммага сертификатлар беришлари мумкин.

4. Акциянинг номинал қиймати бир минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

Акция бўлинмасдир.

5. Акциялар:

эгаси ёзилган ва тақдим этувчига тегишли;

имтиёзли (овоз бериш ҳуқуқисиз) ва оддий (овоз бериш ҳуқуқи билан) бўлиши мумкин.

Акцияда қайд этилган ҳамда жамият акциядорларини рўйхатга олиш китобига ёзиб қўйилган жисмоний ёки юридик шахсларгина эгаси ёзилган акциянинг эгаси — акциядор деб тан олинади.

Тақдим этувчига тегишли акциянинг эгаси — уни сақловчи деб юритилади.

Тақдим этувчига тегишли акциялар бошқа шахслар эгалигига рўйхатсиз берилади.

Оддий акциялар акцияли жамият акцияларининг асосий қисмини ташкил этади.

Имтиёзли акциялар акцияли жамият устав фондининг 10 фоизидан ортиқроқ қийматда чиқарилиши мумкин эмас.

Имтиёзли акциялар эгаларига дивидентларни олишда афзал ҳуқуқ ҳамда акцияли жамият тугатилган тақдирда унинг мол-мулкини тақсимлашда устунлик билан иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Имтиёзли акциялар бўйича дивидентлар, — акцияли жамият жорий йилда олган фойдасидан қатъи назар, — илгари уларнинг номинал қийматига белгиланган қатъий фоиздан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

6. Чиқарилаётган акцияларнинг турлари, уларни тарқатиш ҳамда улар бўйича девидендлар тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунларига мувофиқ акцияли жамият уставида белгилаб қўйилади.

7. Хўжалик фаолияти оқибатида акцияли жамият кўрган зарарларни қоплаш мақсадида акциялар чиқариш ман этилади.

12-модда. Акцияларни тарқатиш тартиби

1. Акцияли жамият тузилаётганида акциялар уларга очиқ ёзилиш орқали (очиқ турдаги акцияли жамият) ёхуд уларни муассислар ўртасида (ёпиқ турдаги акцияли жамият) тақсимлаш тартибида тарқатилиши мумкин.

Акцияларга очиқ ёзилиш муассислар томонидан бевосита ёхуд фонд биржалари ва банклар орқали уюштирилади. Бунда муассислар устав фондининг камида йигирма беш фоизи миқдорига тенг акцияларнинг эгалари бўлиб туришлари керак.

2. Муассислар акцияга очиқ ёзилиш кутилаётганлиги тўғрисида билдириш эълон қиладилар, унда бўлажак акцияли жамиятнинг фирма номи, фаолият соҳаси, мақсади ва муддати, муассисларнинг таркиби, таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказиладиган сана, устав фондининг мўлжалланган миқдори, акцияларнинг номинал қиймати, уларнинг сони ва турлари муассисларнинг устунлиги ва имтиёзлари, акцияларга ёзилиш қаерда ўтказилиши, уларга ёзилиш бошланадиган ва тугайдиган муддат, муассислар томонидан натура ҳолида киритилаётган молмулкнинг таркиби, жамиятга хизмат кўрсатадиган банкнинг номи ва ҳисоб счётининг рақами кўрсатилиши лозим. Муассислар қарорига биноан қайд этилган билдиришга бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин. Акцияларга ёзилиш муддати олти ойдан кўп бўлиши мумкин эмас.

3. Акцияга ёзилишда қатнашаётган шахслар муассисларнинг счётига ўзлари ёзилаётган акция номинал қийматининг камида 10 фоизи миқдорида дастлабки бадални тўлайдилар, шундан кейин муассислар уларга муайян миқдордаги акцияни сотажаклари ҳусусидаги ёзма мажбуриятни тақдим этадилар.

4. Таъсис йиғилиши (конференция) ўтказиладиган пайтгача акцияга ёзилган шахслар дастлабки бадални ҳисобга олган ҳолда акция номинал қийматининг камида 30 фоизини тўлашлари шарт.

5. Билдиришда кўрсатилган муддат тугагач акцияга ёзилиш тўхтатилади. Агар шу даврга келиб акцияларнинг олтмиш фоизига ёзилишга эришилмаса, акцияли жамият таъсис этидиши амалга ошмаган деб топилади, акцияларга ёзилган шахсларга эса бу ҳақда 10 кун муддат ичида маълум қилинади ва шу муддатда улар томонидан тўланган пул маблағлари ёки ўзга мол-мулк қайтариб берилади.

6. Акциядор таъсис йиғилиши (конференцияси)да белгиланган муддатларда, лекин жамият рўйхатдан ўтгач бир йилдан кечиктирмай акцияларни тўлиқ сотиб олиши лозим. Акс ҳолда, башарти жамиятнинг уставида ўзга ҳол қайд этилмаган бўлса, у ўтказиб юборилган вақт учун муддати ўтказиб юборилган суммадан олиниши мўлжалланган йиллик даромаднинг йигирма беш фоизи миқдорида ҳақ тўлайди. Акцияларни сотиб олиш муддати тугагач, акцияли жамият уларни мустақил тарзда сотиб юборишга ҳақлидир.

7. Давлат корхоналари акцияли жамиятга айлантирилганда дастлабки бадал қиймати, шунингдек акцияларни тўлиқ сотиб олиш муддатлари давлат мулки объектининг тасарруф этувчиси томонидан ушбу корхоналар ходимлари учун назарда тутилган имтиёзлар ва кафолатлар ҳисобга олиниб ҳар бир ҳолда алоҳида белгиланади.

8. Акцияли жамият кейинчалик сотиб юориш, ўз ходимлари ўртасида тарқатиш ёки бекор қилиш учун акциядордан унга тегишли акцияларни сотиб олишга ҳақлидир. Қайд этилган акцияларни реализация қилиш узоғи билан бир йил муддат ичида амалга оширилиши керак. Ана шу давр мобайнида даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият томонидан сотиб олинган ўз акцияларини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

13-модда. Акцияли жамиятнинг таъсис йиғилиши (конференцияси)

1. Акцияли жамиятнинг таъсис йиғилиши (конференцияси) акцияларга ёзилган тугагач кечи билан ўттиз кун муддат ичида чақирилади. Кўрсатилган муддат ўтказиб юборилган тақдирда акцияга ёзилган шахс акциялар қийматининг ўзи тўлаган қисми қайтарилишини талаб қилишга ҳақлидир, муассислар эса ўн кунлик муддат ичида у киритган суммани қайтаришлари шарт.

2. Таъсис йиғилиши (конференцияси):

акцияли жамият таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг уставини тасдиқлайди;

акцияларга ортиқча ёзилишни қабул қилади ёки рад этади. Агар акцияларга ортиқча ёзилиш қабул қилинса, устав фонди мувофиқ равишда кўпайтирилади;

жамиятни таъсис этиш жараёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди;

пулдан бошқа шаклдаги бадалларнинг пул қийматини тасдиқлайди;

башарти, муассислар таъсис шартномасида бу ҳуқуқ ўз тасарруфларида эканлигини қайд этмаган бўлсалар, акцияли жамиятнинг кенгашини (кузатувчи кенгашини), бошқарувини (раисини) ва тафтиш комиссиясини сайлайди.

3. Агар ёзилиш ўтказилган акцияларнинг олтмиш фоизидан ортиқроғига ёзилганлар иштирок этса, акцияли жамиятнинг таъсис йиғилиши (конференцияси) қонуний кучга эгадир.

Кворум йўқлиги сабабли таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилмай қолса, икки ҳафта ичида такрор йиғилиш (конференция) чақирилади. Таъсис йиғилиши (конференцияси) такрор чақирилганда ҳам кворум таъмин этилмаса, акцияли жамият ташкил бўлмади деб ҳисобланади.

Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш: бир акция — битта овоз қоидасида ўтказилади.

4. Таъсис йиғилиши оддий кўпчилик овоз билан қарор қабул қилади, таъсис шартномасининг қоидаларини ўзгартириш тўғрисидаги қарор бундан мустаснодир, бунинг учун акцияга ёзилган барча шахсларнинг розилиги талаб этилади.

5. Таъсис йиғилиши (конференцияси) ўтказилган сана акцияли жамият таъсис этилган сана бўлади.

14-модда. Акцияли жамиятнинг бошқарув идоралари

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияли жамиятнинг юқори идораси ҳисобланади. Умумий йиғилиш ҳар йили камида бир марта чақирилади. Акцияли жамиятнинг бошқаруви умумий йиғилишни чақириш тўғрисида барча акциядорларни камида ўттиз кун аввал ёзма равишда хабардор қилади.

2. Қуйидагилар:

жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режаларнинг бажарилишига доир ҳисоботларни тасдиқлаш;

жамият уставини ўзгартириш ва тўлдириш;

ижроия идораси ва тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш, чақириб олиш ҳамда уларнинг фаолияти тартибини тасдиқлаш;

жамият фаолиятининг, шу жумладан унинг шўъбалари фаолиятининг йиллик натижаларини, тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва хулосаларини, даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартибини тасдиқлаш;

шўъбалар ва ваколатхоналар очиш, уларни қайта ташкил этиш ва тугатиш, улар тўғрисидаги низомларни (уставларни) тасдиқлаш;

жамият бошқарув идораларининг мансабдор шахсларини мулкий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарорлар чиқариш;

жамиятнинг ички тартиб қоидаларини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлаш, ташкилий тузилишини белгилаш;

устав фондини ўзгартириш;

жамият ўзи чиқараётган акцияларни сотиб олиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

жамият, унинг шўъбалари ва ваколатхоналари бошқарув идораларининг мансабдор шахслари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини белгилаш;

жамият фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиқлаш умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига киради.

Жамият уставида умумий йиғилишнинг мутлақ ваколатига ўзга масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Умумий йиғилиш, башарти унда жамият уставига мувофиқ овозларнинг камида олтмиш фоизига эга бўлган акциядорлар иштирок этса, қонуний кучга эга ҳисобланади.

Жамият умумий йиғилишида овоз бериш ҳам битта акция — бир овоз қоидаси асосида ўтказилади.

Умумий йиғилиш ўзига тегишли ҳуқуқларнинг бир қисмини жамият бошқаруви ихтиёрига ўтказиши мумкин.

3. Жамият уставини ўзгартириш ва тўлдириш, жамият фаолиятини тўхтатиш, шўъбалар очиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш, устав фондини ўзгартириш масалаларини ҳал эта олиши учун йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози талаб этилади.

Бошқа барча масалалар юзасидан қарорлар йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Акциядорлар умумий йиғилишда ўз ҳуқуқларини амалга оширишни бошқа акциядорларга (уларнинг вакилларига), шунингдек учинчи шахсларга ишониб топширишга ҳақлидирлар.

Акциядорларнинг вакиллари доимий бўлиши ёки муайян муддатга тайинланиши мумкин. Акциядор жамиятнинг ижроия идорасини хабардор қилиб туриб исталган пайтда юқори идорадаги ўз вакилини алмаштиришга ҳақлидир.

4. Акцияли жамиятда акцияли жамиятнинг кенгаши (кузатувчи кенгаш) тузилади. Бу кенгаш умумий йиғилишлар орасидаги даврда акциядорлар манфаатларини ифодалайди ҳамда уставда назарда тутилган вазифаларни бажаради.

Акцияли жамият кенгаши (кузатувчи кенгаш)нинг аъзолари ижроия идора аъзоси бўла олмайдилар.

5. Бошқарув ёки уставда назарда тутилган бошқа идора акцияли жамиятнинг ижроия идораси ҳисобланади, бу идора акцияли жамиятнинг ишини уюштиради ҳамда умумий йиғилишга жамият фаолиятининг якунлари тўғрисида йиллик ҳисобот тақдим этади.

6. Бошқарув умумий йиғилиш ва жамият кенгаши (кузатувчи кенгаш)нинг мутлақ ваколатига кирадиган масалалардан бошқа акцияли жамият фаолиятига доир барча масалаларни ҳал этади.

7. Бошқарув ишига бошқарув раиси раҳбарлик қилади, у акцияли жамиятнинг уставига мувофиқ тайинланади, ёки сайланади. Бошқарув раиси ишонч қоғозисиз жамият номидан иш кўришга ҳақлидир. Бошқарувнинг бошқа аъзолари ҳам уставга мувофиқ шундай ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

15-модда. Акцияли жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат

1. Акцияли жамият бошқарувининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади. Тафтиш комиссияси акциядорлар орасидан сайланади. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият ижроия идораси таркибига киришлари мумкин эмас.

2. Акцияли жамият ўзининг молия-хўжалик фаолиятини йилига камида бир марта тафтиш қилиши шарт.

Тафтиш комиссияси жамият молия-хўжалик фаолиятини умумий йиғилиш, кузатувчи кенгаш топшириғига кўра, ўз ташаббуси билан ёки жамини қўшганда овозларнинг ўн фоиздан ортиғига эга бўлган жамият қатнашчилари талаби билан текшириши мумкин.

Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган текширув натижалари тўғрисида умумий йиғилишга ёки кузатувчи кенгашга маълумот беради. Тафтиш комиссияси йиллик ҳисоботлар ва балансларнинг юзасидан хулоса тайёрлайди. Тафтиш комиссиясининг хулосасисиз умумий йиғилиш балансни тасдиқлашга ҳақли эмас.

3. Тафтиш комиссияси акцияли жамият манфаатларига хавф-хатар туғилган ёки мансабдор шахслар йўл қўйган суиистеъмолликлар аниқланган тақдирда умумий йиғилиш навбатдан ташқари чақирилишини талаб қилишга ҳақлидир.

4. Акцияли жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш солиқ ва молия идоралари, бошқа давлат идоралари томонидан уларнинг ваколати доирасида, шунингдек зарур бўлганда аудиторлик хизматлари томонидан амалга оширилади.

III БЎЛИМ. МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЁКИ ҚЎШИМЧА МАСЪУЛИЯТЛИ ЖАМИЯТ

16-модда. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият

1. Миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб бериладиган улушларга бўлинган устав фонди бор ҳамда мажбуриятлар юзасидан ўз мол-мулки доирасидагина жавобгар бўлган жамият масъулияти чекланган жамият деб эътироф этилади.

Жамият қатнашчилари қўшган ҳиссалари доирасида жавобгар бўладилар.

2. Миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб берилган улушларга бўлинган устав фонди бор жамият қўшимча масъулиятли жамият деб эътироф этилади. Бундай жамиятнинг молмулки камлик қилган тақдирда жамият қатнашчилари унинг мажбуриятлари юзасидан ўз мол-мулклари билан ҳам, барча қатнашчилар учун тенг миқдорда, қўшган ҳиссаларига монанд суммада жавоб берадилар.

17-модда. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг устав фонди

1. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятда устав фонди тузилади, унинг миқдори эллик минг сўмдан кам бўлмаслиги керак.

2. Жамият давлат рўйхатидан ўтадиган пайтгача қатнашчиларнинг ҳар бири таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ҳиссанинг камида ўттиз фоизини киритиши шарт, бу банк муассасалари берган ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Қатнашчи ўз ҳиссасини жамият рўйхатдан ўтганидан кейин бир йил ичида тўлиқ қўшиши шарт. Ушбу мажбурият белгиланган муддатда бажарилмаган тақдирда қатнашчи, башарти таъсис ҳужжатларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, муддати ўтказиб юборилган вақт учун тўланадиган суммадан олинадиган йиллик даромаднинг йигирма беш фоизини тўлайди.

Жамиятнинг ўз ҳиссасини тўлиқ тўлаган қатнашчисига гувоҳнома берилади, бу гувоҳнома қимматбаҳо қоғозлар жумласига кирмайди.

3. Ҳисса сифатида киритилган мол-мулк қийматининг ўзгариши ва таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жамият юқори идорасининг қарорига биноан қатнашчилар томонидан киритилган қўшимча бадаллар жамиятнинг устав фондидаги улушлари миқдорига таъсир этмайди.

4. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг қатнашчилари қолган қатнашчиларнинг розилиги билан ўз улушини (улушнинг бир қисмини) жамиятнинг бир ёки бир неча қатнашчисига ёхуд учинчи шахсларга бериши мумкин. Жамият қатнашчилари ана шу улушни (унинг бир қисмини) жамият устав фондидаги ўз улушларига мутаносиб тарзда сотиб олишда устувор ҳуқуқдан фойдаланадилар. Улушни (унинг бир қисмини) жамият қатнашчиларининг манфаатлари қаноатлантирилганидан кейингина учинчи шахсларга бериш мумкин бўлади. Бундай ҳолларда учинчи шахс унинг ҳуқуқий ворисига айланади.

5. Қатнашчининг улушини у ҳиссасини тўлиқ киритиб бўлганидан кейингина жамиятнинг ўзи сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолларда жамият улушни бошқа қатнашчиларга ёки учинчи шахсга узоғи билан бир йил муддатга бериши шарт. Ана шу давр мобайнида фойдани тақсимлаш, шунингдек юқори идорада овоз бериш ва кворумни аниқлаш жамият томонидан сотиб олинган улуш назарда тутилмаган ҳолда амалга оширилади.

6. Қатнашчи масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият таркибидан чиққан тақдирда унга устав фондидаги улушига муносиб тарзда жамият мол-мулки бир қисмининг қиймати тўланади. Жамиятдан чиққан қатнашчига у жамиятдан чиққунига қадар жамият ўша йили ортирган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Қатнашчи жамиятга фақат фойдаланиш учунгина берган мол-мулк натура ҳолида, эскириб ишдан чиқишини инобатга олган ҳолда мукофотсиз қайтарилади.

7. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг қатнашчиси бўлмиш юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда ёки жамият қатнашчиси бўлмиш фуқаро вафот этган ҳолларда жамиятнинг розилиги билан ҳуқуқий ворислар (меросхўрлар) жамиятга киришлари мумкин. Ҳуқуқий ворис (меросхўр) жамиятга киришдан бош тортган ёки жамият ҳуқуқий ворисни (меросхўрни) ўз таркибига қабул қилишни рад этган ҳолларда унга мол-мулкдаги улуши пул ёки натура шаклида берилади, бу улушнинг юридик шахс қайта ташкил этилган ёки қатнашчи вафот этган кундаги қиймати ҳисоблаб чиқилади. Бундай ҳолларда жамиятнинг устав фонди миқдори камайтирилиши керак.

8. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўз устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарори, ана шу ҳақда белгиланган тартибда эълон қилинганидан сўнг камида 3 ойдан кейин кучга киради.

9. Жамият қатнашчисининг шахсий мажбуриятлари юзасидан жаримани унинг улушига қаратишга йўл қўйилмайди. Ўз қарзларини қоплаш учун қатнашчининг мол-мулки етмаган ҳолларда қарз берувчилар қарздор-қатнашчининг улуши ажратиб берилишини талаб қилишга ҳақлидирлар.

18-модда. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг бошқарув идоралари

1. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг юқори бошқарув идораси қатнашчилар йиғилишидир.

Жамият қатнашчиси қатнашчилар йиғилишидаги ўз ваколатини бошқа қатнашчига ёки бошқа қатнашчининг вакилига беришга ҳақлидир.

Қатнашчилар устав фондидаги ўз улушларининг миқдорига мутаносиб овозлар сонига эга бўладилар.

2. Ушбу Қонун 14-моддасининг 2-бандида айтиб ўтилган масалалардан ташқари масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қатнашчилари йиғилишининг мутлақ ваколатига:

қатнашчиларнинг қўшимча бадаллари миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш;

қатнашчининг улушини жамиятнинг ўзи сотиб олиши тўғрисидаги масалани ҳал этиш;

қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш масалалари киради.

Жамият фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш, унинг режаларини ва режалар ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тас-

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Қонуни

ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Боши 2-бетда).

диқлаш, жамият уставини, устав фондини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар жамият қатнашчиларининг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овоз билан, қолган масалалар юзасидан эса оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қатнашчини жамиятдан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш чоғида бу қатнашчи ёки унинг вакили овоз беришда иштирок этмайди.

3. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятнинг исталган қатнашчиси қатнашчилар йиғилишида масалани қараб чиқишни бу масалани йиғилиш бошланишидан камида йигирма беш кун аввал кўтарган бўлсагина, талаб қилишга ҳақлидир.

4. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият қатнашчиларининг йиғилиши ҳар йили камида икки марта чақирилади.

Қўшиб ҳисоблаганда овозларнинг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлган жамият қатнашчилари исталган пайтда ва ҳар қандай сабабга кўра навбатдан ташқари йиғилиш чақирилишини талаб қилишга ҳақлидирлар. Агар жамият раиси ушбу талабни йигирма кун мобайнида бажармаса, уларнинг ўзлари қатнашчиларнинг йиғилишини чақиришга ҳақлидирлар.

5. Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятда ҳайъат йўсинидаги (маъмурият) ёки яккабошчилик тарзидаги (директор) ижроия идораси тузилади, у жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Жамият ижроия идораси қатнашчиларининг йиғилишига ҳисобот бериб туради ва унинг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

6. Масъулиятли чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият маъмурияти (директори)нинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш комиссияси назорат қилиб боради, тафтиш комиссиясини жамият қатнашчиларининг йиғилиши қатнашчилар орасида таъсис ҳужжатларида назарда тутилган таркибда тузади. Маъмурият аъзолари (директор) тафтиш комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

7. Тафтиш комиссияси жамиятнинг мансабдор шахсларидан ўзи учун зарур материалларни, бухгалтерлик ёки ўзга хил ҳужжатларни ҳамда шахсий изоҳномаларни талаб қилиб олишга ҳақлидир. Тафтиш комиссиясининг аъзолари жамият ижроия идорасининг мажлисларида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

8. Тафтиш комиссияси ўзи ўтказган текширув натижаларини жамият ижроия идорасига ва жамият йиғилишига йўллайди. Тафтиш комиссияси йиллик ҳисоботлар ва балансларни юзасидан ўз хулосасини беради. Жамият қатнашчиларининг йиғилиши жамият балансини ана шундай хулосасиз тасдиқлаши мумкин эмас.

9. Тафтиш комиссияси, башарти жамиятнинг муҳим манфаатлари учун хавф юзага келган ёки жамиятнинг мансабдор шахслари суиистеъмолликлар қилганлиги аниқланган тақдирда, қатнашчиларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни талаб қилиши шарт.

IV БЎЛИМ. ХЎЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ

19-моодда. Тўлиқ ва коммандит хўжалик ширкатлари

1. Хўжалик ширкати — бу шахсларнинг бирлашмаси бўлиб, унда қатнашчилар мулкий бадаллар билангина эмас, балки шахсий фаолиятлари билан ҳам иштирок этадилар.

Хўжалик ширкатлари тўлиқ ва коммандит ширкатларга бўлинади.

2. Барча қатнашчилари ошкаликда тадбиркорлик фаолияти олиб борадиган ҳамда ширкат мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли бор мол-мулк билан бирдамликда жавобгар бўладиган хўжалик ширкатлари тўлиқ хўжалик ширкатлари деб эътироф этилади.

3. Ширкатнинг мажбуриятлари юзасидан ўзининг бутун мол-мулки билан жавобгар бўладиган бир ёки ундан ортиқ қатнашчилари билан бир қаторда жавобгарлиги улар қўшган ҳиссалар суммаси доирасидагина чекланадиган бир ёки бир неча қатнашчи (коммандитистлар) бўлган хўжалик ширкати коммандит (аралаш) ширкат деб эътироф этилади.

Агар коммандит ширкатда тўлиқ масъулият билан икки ёки ундан ортиқ қатнашчи иштирок этаётган бўлса, бу қатнашчилар ширкатнинг қарзлари юзасидан биргаликда жавобгар бўладилар.

20-модда. Таъсис шартномасининг мазмуни

1. Тўлиқ ширкат тўғрисидаги таъсис шартномаси ушбу Қонуннинг 3-моддасида назарда тутилган шартлардан ташқари қатнашчилардан ҳар бирининг улуши миқдорини, улар томонидан ҳиссаларни қўшиш миқдори, таркиби ва тартибини, уларнинг ширкат ишларида иштирок этиши шаклини белгилаб қўйиши лозим.

2. Коммандит ширкат таъсис шартномасида тўлиқ ширкатлар учун кўзда тутилган шартлар билан бирга коммандитистларнинг ширкат мол-мулкидаги улушларининг умумий миқдори, улар томонидан ҳиссаларни қўшиш миқдори, таркиби ва тартиби кўрсатилади.

21-модда. Ширкат коммандитистларининг ҳуқуқ ва бурчлари

1. Коммандитист коммандит ширкатга аъзо бўлиб киришда ҳам пулли, ҳам моддий ҳисса қўшишга ҳақлидир.

Коммандитист:

топшириқ мавжуд бўлганида ва топшириққа мувофиқ коммандит ширкат номидан иш кўриш;

ширкат тугатилган тақдирда тўлиқ масъулиятли қатнашчиларга нисбатан ҳисса биринчи навбатда қайтариб берилишини талаб қилиш;

унга ширкат фаолияти тўғрисидаги балансларва йиллик ҳисоботлар тақдим этилишини, шунингдек уларнинг тўғри тузилганлигини текшириш имконияти берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2. Коммандитист ҳиссалар ва қўшимча бадаллар ни таъсис шартномасида назарда тутилган миқдорда, усуллар ва тартибда қўшади.

Коммандитистлар улушининг умумий миқдори ширкатнинг таъсис шартномасида кўрсатилган мол-мулки қийматининг эллик фоизидан ошмаслиги лозим.

Коммандит ширкатни давлат рўйхатига олиш пайтига қадар ҳиссадорлардан ҳар бири ўз бадали суммасининг камида йигирма беш фоизини қўшади.

22-модда. Тўлиқ ва коммандит ширкатларнинг фаолияти

1. Тўлиқ ширкатнинг фаолияти унинг барча қатнашчиларининг умумий келишуви асосида амалга оширилади.

Ширкат фаолияти барча қатнашчилар томонидан, ширкат номидан иш кўрадиган бир ёки бир неча қатнашчи томонидан амалга оширилади. Иккинчи ҳолатда қатнашчиларнинг ваколатлари кўлами ширкатнинг қолган қатнашчилари имзолаган топшириқ билан белгилаб қўйилади.

2. Агар таъсис шартномасида ширкат ишларини юритиш учун ваколатлар бериладиган бир неча қатнашчи белгиланаётган бўлса, бунда улардан ҳар бири ширкат номидан мустақил иш кўра олиши назарда тутилади. Таъсис шартномасида бундай қатнашчилар тегишли хатти-ҳаракатларни фақат биргалашиб амалга оширишга ҳақли эканликлари қайд этиб қўйилиши мумкин.

Ширкат ишларини юритиш топширилган қатнашчилар жамият номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб бажараётган ишлари тўғрисида қолган қатнашчиларга уларнинг талабига биноан тўлиқ ахборот беришлари шарт.

3. Қатнашчининг ширкат ишларини юритишга доир ваколатлари қатнашчининг топшириқдан воз кечиши ёки топшириқнинг қолган қатнашчилардан доақал битасининг талабига биноан бекор қилиниши муносабати билан тўлиқ ёки ширкат фаолияти тўхтатилиши туфайли қисман тўхтатилади.

4. Ваколати бўлмай туриб, унинг хатти-ҳаракатлари барча бошқа қатнашчилар томонидан маъқулланмайдиган ҳолларда умумий манфаатларни кўзлаб иш кўрган қатнашчи, агар унинг ҳаракатлари натижасида ширкатнинг мол-мулки сақланиб қолгани ёки мувофиқ равишда ширкат қилган сарф-ҳаражатлар қийматидан ортиқ мол-мулкка эга бўлгани исботланган тақдирдагина чиқимларни қоплаш тўғрисида ширкат олдига талаб қўйишга ҳақлидир.

5. Агар коммандит ширкатнинг коммандитисти тегишли ваколатларсиз ширкат номидан ва унинг манфаатларини кўзлаб битим тузса, унинг ҳаракатлари коммандит ширкат томонидан маъқулланган тақдирда, у тўлиқ масъулиятли қатнашчилар билан биргаликда кредиторлар олдида битим юзасидан ўзининг қонунга биноан ундириш қараталиши мумкин бўлган барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Ҳаракатлари маъқулланмаган тақдирда коммандитист учинчи шахс олдида ўзининг ундириш қаратилиши мумкин бўлган барча молмулки билан мустақил равишда жавоб беради.

6. Ушбу моддада белгиланган қоидаларни бузганлари тақдирда, ширкат қатнашчилари бундай хатти-ҳаракатлари туфайли ширкатга етказилган зарарни қоплашлари шарт.

7. Устав фондидаги ва қатнашчилар улушларидаги ўзгартишлар ушбу Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ амалга оширилади.

23-модда. Қатнашчининг тўлиқ ва коммандит ширкатдан чиқиши

Номаълум муддатга тузилган ширкатнинг қатнашчиси камида уч ой олдин огоҳлантириб, ширкатдан исталган пайтда чиқиб кетиши мумкин.

Муайян муддатга тузилган ширкатдан чиқиб кетишга фақат узрли сабаблар бўлган ва бу ҳақда чиқишдан камида олти ой олдин огоҳлантириш берилган тақдирда йўл қўйилади.

Агар қатнашчи хўжалик ширкатидан чиқиб кетаётганида бу ширкат сақланиб қолса, унда қатнашчига чиқиш кунидаги ҳолат бўйича тузилган баланс асосида аниқланадиган унинг бадали қиймати тўланади. Қатнашчининг талаби ва ширкатнинг розилиги билан ҳисса тўлиқ ёки қисман натурал шаклда қайтарилиши мумкин.

Чиқиб кетган қатнашчига ширкат шу йили олган фойданинг унга тегишли қисми тўланади. Қатнашчи томонидан фақат фойдаланиш учун бериб қўйилган молмулк эскириб ишдан чиқиши ҳисобга олинган ҳолда, ҳақ тўланмасдан натурал шаклда қайтариб берилади.

24-модда. Тўлиқ ва коммандит ширкатнинг қарзлари учун ундириши қатнашчилар улушига қаратиш ҳамда уларнинг жавобгарлиги

Хўжалик ширкатида қатнашчининг шахсий қарзлари юзасидан ундириши қатнашчининг улушига қаратишга йўл қўйилмайди. Шахсий қарзларини қоплаш учун қатнашчининг молмулки озлик қилган тақдирда кредиторлар ширкатни белгиланган тартибда тугатишни ва қарздор қатнашчининг улушини ажратишни талаб қилиши мумкин. Бу ҳолда қолган қатнашчилар ширкатни сақлаб қолиш мақсадида бундай қатнашчининг хўжалик ширкатидан чиқиб кетиш кунидаги холат бўйича тузилган балансга мувофиқ қарздор қатнашчининг улушини пул билан ёки натурал шаклда ажратишга ҳақлидирлар.

Агар хўжалик ширкатини тугатишда мавжуд молмулк барча қарзларни тўлашга озлик қилиб қолса, ширкатнинг барча қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ундиришни қаратиш мумкин бўлган ўз мол-мулклари билан қарзларнинг етишмаган қисми юзасидан умумий жавобгар бўладилар. Хўжалик ширкати қатнашчиси ширкатнинг қарзлари юзасидан, қарзлар у ширкатга аъзо бўлиб кирганидан кейин ёки киришидан олдин пайдо бўлганидан қатъи назар, жавобгар бўлади.

Ширкатнинг қарзларини тўлиқ тўлайдиган қатнашчи унинг олдида ширкат мол-мулкидаги ўз улушига мутаносиб равишда жавобгар бўлган қолган қатнашчиларга нисбатан тегишли улуш юзасидан регрессив талаб билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

25-модда. Коммандит ширкатни бошқариш хусусиятлари

Коммандит ширкат ишларини бошқариш фақат тўлиқ масъулиятли қатнашчилар томонидан амалга оширилади.

Фақат бир тўлиқ масъулиятли қатнашчи бўлган коммандит ширкатда, ишларни бошқаришни шу қатнашчи мустақил равишда амалга оширади.

Коммандитистлар коммандит ширкатнинг ишларини бошқариш юзасидан тўлиқ масъулиятли қатнашчилар фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳақли эмаслар.

26-модда. Тўлиқ ширкат фаолиятини тўхтатиш хусусиятлари

1. Тўлиқ ширкатни қайта ташкил этиш унинг қатнашчилари бир овоздан қабул қилган қарорга биноан, тугатиш эса ушбу Қонуннинг 6-моддасида кўрсатилган асослардан ташқари — ширкат мол-мулкининг учдан бир улушига эга бўлган қатнашчилардан бирининг талабига биноан амалга оширилади.

2. Қатнашчи чиқиб кетганида ва тўлиқ ширкат тугатилганида ширкатнинг қарзлари юзасидан қатнашчига (қатнашчиларга) нисбатан қўйилган талаблар қатнашчи чиқиб кетган пайтдан бошлаб ёхуд ширкат тугатилган пайтдан бошлаб бир йил ўтганидан кейин узилган деб ҳисобланади.

27-модда. Коммандит ширкатни тугатиш хусусиятлари

1. Ушбу Қонуннинг 6 ва 26-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, коммандит ширкат, шунингдек тўлиқ масъулиятли барча қатнашчилар чиқиб кетган тақдирда тугатилади.

2. Барча коммандистлар чиқиб кетган тақдирда, тўлиқ масъулиятли қатнашчилар ширкатни тугатиш ўрнига уни тўлиқ ширкатга айлантиришга ҳақлидирлар.

3 Коммандит ширкат ихтиёрида мавжуд бўлган пул маблағлари, тугатиш чоғида унинг мол-мулкини сотишдан олинган тушумни ҳам қўшган ҳолда, ширкатнинг ёлланган ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоб қилинганидан ва банклар, бюджет, бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилганидан кейин биринчи навбатда коммандистлар ўртасида уларнинг ҳиссаларини қайтариш учун тақсимланади, кейин эса тўлиқ масъулиятли қатнашчилар ўртасида ушбу Қонунда ҳамда таъсис шартномасида назарда тутилган тартиб ва шартларда тақсимланади. Ҳиссадорларга уларнинг ҳиссаларини тўлиқ қайтариш учун ширкатнинг маблағлари озлик қилган тақдирда мавжуд маблағлар қатнашчилар ўртасида уларнинг ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

«ХЎЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА ШИРКАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси икки ойлик муддат ичида:

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқ ҳолга келтириш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига тақдим этсин;

ушбу Қонуннинг татбиқ этилишини таъминловчи зарур меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорларини «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, республика вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган меъёрий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун амалга киритилгунга қадар тузилган хўжалик жамиятлари ва ширкатлари ўз хўжалик фаолиятларини ўз уставларига мувофиқ юритишга ҳақлидирлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар амалдаги қонун ҳужжатларининг мазкур Қонунга зид келмайдиган қисми қўлланилаверади.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш қўмитаси ушбу Қонуннинг ижроси устидан назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси

Ш. ЯЎЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 9 декабрь.

САҲНАДА— ПИАНИНОЧИ ҚИЗЛАР

Тошкентлик ёш пианиночилар С. Ғафурова билан Б. Ҳақназарова ижодий йўлларида яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент консерваториясининг бу талабалари «Истеъдодларни излаймиз» танловида жўрликда фортепиано чалиб биринчи мукофотга сазовор бўлдилар. Бу танлов истеъдодли ёшларни аниқлаш ва уларга мадад бериш мақсадида ўтказилди. Танловни ўтказиш ташаббускори Улуғбек номидаги республика жамғармасидир.

Иккала пианиночи ёш бўлишларига қарамай республика мусиқа оламида машҳур бўлиб қолишган. Улар Ғарбий Европа ва Ўзбекистон бастакорларининг асарларини ижро этадилар. Мумтоз мусиқа мухлислари уларнинг ижро маҳоратига бир неча бор юқори баҳо берганлар. Пианиночи қизлар «Баҳор» концерт зали саҳнасида, консерватория ташкил этган мусиқий кечаларда ўз истеъдодларини намойиш этганлар. Улар Марказий Осиё давлатлари пианиночилари танловининг ҳам совриндоридирлар.

(ЎзА мухбири).

Не ажабки, ҳозир ишхонаю кўчакўйда дилдан самимий жилмайган кишини жуда кам учратяпмиз. Афтидан кўпчилик замон нағмалари: нарх-наво ила маош номутаносиблигию штат қисқаришларидан анча хориди. Рўзномаларга босилган суратлардаги мамнун кишиларни кўриб кўнглингизга бир шубҳа оралаши тайин: «Атай, кулдириб суратга туширган», Намангандаги Халқобод тикувчилик фабрикаси чевари Барнохон Камолованинг юқоридаги суратини кўргач, мен ҳам фотомухбиримиз Тоҳиржон Ҳамроқуловга синовчан қараб қўйдим...

— Э, сиз уни билмайсиз — деди ҳамкасбим, — Норин туманида қўлма-қўл бўлаётган болалар курткасию кўйлакларини худди шу қиз тикиб бераяпти-да. Одамлар, айниқса болалар меҳнатингиздан мамнун бўлса сиз ҳам яйраб кетасиз. Илойим шундай қизлар кўпаяверсин.

БИРИНЧИ ЎЗБЕК—ПОК КИНОҲАМКОРЛИГИ

Республикамиз мустақилликка эришгач, чет мамлакатлар билан азалдан мавжуд бўлган дўстлик ришталари қайта тиклана бошлади. Бунга яна бир мисол тариқасида яқинда Покистоннинг энг йирик шаҳри бўлмиш Карачида ўзаро киноҳамкорлик қилиш хусусида олиб борилган музокарани келтириш мумкин. Унда биргаликда яратишга аҳд қилинган фильмнинг номи «Тож маҳалдаги севги» — «Ишқ-е-Таж Маҳал» бўлиб, асосан замонавий, қисман тарихий мавзуларда-дир. Уни ўзбек адиби Дадахон Нурий ҳамда покистонлик ёзувчи ва журналист Муҳаммад Аббосхонлар ёзишган. Сценарий ўзбек ва урду тилларида бўлганлиги ҳар икки томон учун бирон бир муаммо келтириб чиқармади.

Киноҳикоя билан танишиб чиққан «Табани» савдо-тижорат компаниясининг бош директори жаноб Ёқуб Табани уни бир нечта нусхада кўпайтириб, Покистоннинг қатор кинокомпания бошлиқларига юборди. Қаламга олинган мавзу деярли ҳаммага маъқул тушди. Бироқ ўзбек киночилари томонидан ҳамкорликка йирик кинокомпания «Делакс продекшн» танланди. Унинг ходимлари билан узоқ вақт ижодий музокаралар олиб борилди ва ниҳоят биринчи ўзбек-Пок бадиий мусиқали фильми яратишга келишилди.

— Покистон адиблари, маданият ва санъат намоёндаларининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан яқиндан алоқа боғлашга иштиёқлари ғоят баланд. Улар буюк бобокалонларимиз Имом Бухорий, ат-Термизий, Баҳовиддин Нақшбандийларнинг хокипойлари ётган ўзбекистонимиз ҳудудини Маккаю мукаррамадай муқаддас зиёратгоҳ деб биларкан. Шунинг билан ўзларини Заҳириддин Бобурнинг авлодлари деб ҳисоблашади... Бизни аэропортдаёқ журналистлар ўраб олишди. Ҳамкорликда фильм яратиш учун ўзбек киночилари келаётганини уларга аввалдан маълум экан, — дея ҳикоя қилади ёш, иқтидорли ўзбек режиссёри Фарҳод Ҳайдар,— деярли ҳар куни бизлар олиб бораётган музокаралар ҳақида матбуот, радио, телевидение хабар бериб турди.

Бу ҳамкорлик мавзусига қизиқиш қанчалик катта бўлганлигини шундан билса бўладики, матбуот уюшмалари ҳайъати томонидан икки марта матбуот конференцияси уюштирилди. Асосий савол шундай эди: «Киноҳамкорлик ҳақида фикрлар муштараккми? Шундай бўлса, шартномани қочон имзолайсизлар?!» Синчков журналистларнинг бу саволларига аниқ жавоб беришга ҳали вақт эрта эди. Музокараларнинг ўнинчи куни масала узил-кесил ҳал этиладиган бўлди.

Ўша кунги ҳаяжонли дамларни делегация бошлиғи, сценарий муаллифларидан бўлмиш урдузабон ёзувчи Дадахон Нурий шундай таърифлайди:

— Карачининг гавжум шоҳкўчаларидан бирида жойлашган гўзал «Фаран» меҳмонхонасининг учинчи қаватида ижодий-ташкилий мусоҳаба ярим тунгача давом этди. Биргаликда амалга ошириладиган ишнинг самараси покистонлик ҳамкасбларимиз томонидан шартномага қўйиладиган имзою муҳрга боғлиқ эди. ...Ушанда бир нарса диққатимни тортди: доим соат ўн бирлардан кейин сокин бўлиб қоладиган меҳмонхонанинг бизлар жойлашган қавати гавжум, гарчи вақт тунги иккилардан ошиб қолган бўлса ҳам, лифт тинмай ишлаб турарди. Бунинг сабабини Карачи журналист ижодкорлар клубининг бошлиғи Муҳаммад Асрорхондан сўраганимда, у мени биринчи қаватда жойлашган ресторанга бошлади. Бу ерда қаҳваю салқин ичимликлар ичиб, ўттиздан зиёд киши ўтирарди. Асрорхоннинг айтишича, булар учинчи қаватдан сўнгги янгиликни кутишаётган экан. Ўтирганларнинг айримларини танидим: Покистондаги энг йирик «Жанг», «Дон», «Инқилоб», «Қавми аваз», «Навваи вақт», «Ахбаре жаҳан», «Рекорддер» каби матбуот шўъбаларининг фотомухбир ҳамда шарҳчилари эди. Ҳатто улар орасида яқинда ташкил этилган Ўзбек-Пок дўстлик жамиятининг раиси Саййид Олам Бухорий, машҳур киноартист, Раж Капурнинг энг яқин дўсти продюссер Саид Камоллар ҳам бор. Вақт ярим тундан ошиб қолганига қарамай, ўтирганларнинг бегубор, шу билан қандайдир хушхабарга интиқ чеҳраларига разм солиб, беихтиёр хаёлимдан, шу ҳодиса Тошкентда ўтганида биз — ижодкорлар, журналист, зиёлилар қандай муносабатда бўлардик, деган фикр ўтди. Етмиш йиллик «тарбия» орқали қонимизга сингдириб келинган беҳаё такаббурлигу, бепарво танбаллик иллатидан тезроқ қутулармиканмиз, деб ўйланиб қолдим... Хулди шу пайт меҳмонхона ходими баланд овоз билан ҳаммани учинчи қаватга таклиф этди. ...Эрталаб барвақт телефон жирингидан уйғониб кетдим. Гўшакни кўтардиму таниш овозни эшитдим. Бу бутун Шарқу Ғарб мамлакатларида Ҳиндистон ярим оролининг буюк мусаввири деб тан олинган Иқбол Меҳдининг овози эди. У киши бизларни биринчи маданий ҳамкорлик шартномаси имзоланган билан чин кўнгилдан муборакбод этарди:

— Бу ҳамкорлик томон қўйилган қутлуғ қадамдан Мирзо Бобур ҳамда ўз ғазалларида сизларга юртдошлигидан фахрланиб, Туронни қуйлаб ўтган Мирзо Ғолиб руҳлари, иншоолло, шод бўлгай!— деди машҳур рассом ўз сўзларини тугатаркан.

Ҳа, қадимдан меҳр-муҳаббат билан боғланган дини бир, тили, тақдири бир-бирига муштарак икки халқ ўртасидаги бу маданий ҳамкорлик Покистонда катта қизиқиш уйғотди... Иш фақат битта фильм яратиш билан чегараланиб қолмайдиган бўлди.

Номи юқорида тилга олинган машҳур санъаткор Саид Камол икки йилдан буён кўнглига тугиб юрган ўз орзусининг ўзбекистонлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда рўёбга чиқишига ишонган ҳолда, халқларимиз ўртасидаги қадимий дўстликка бағишланган киносценарийга (шу мавзудаги сценарий учун у Покистон рўзномаларида бир неча марта конкурс эълон қилган)га буюртма берди.

Яқинда бўлиб ўтган Халқаро Тошкент кинофестивалида «Баландлик» фильми билан қатнашиб совриндор бўлган «Ризви фильмз» кинокомпаниясининг бошлиғи Саид Ризви эса кутилмаган ҳодисаларга бой мавзуда асар ёзиб беришни илтимос қилди.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлашимиз жоизки, «Тожмаҳалдаги севги» музика, рақс ва қўшиқларга бой кўп серияли фильм бўлиб, унда таниқли ўзбек киносанъаткорлари, донги кетган Покистон киноюлдузлари иштирок этадилар. Фильм Ўзбекистон ва Покистонда суратга олинади.

Ўйлаймизки, эндигина бошланган бу ҳамкорликнинг истиқболи катта ва хайрли бўлади. Икки мамлакат халқлари бир-бирларини янада яқинроқ тушуниб олишларига хизмат қилади.

Комил УЛУҒ ХОЛДОР ўғли.

ДОҒЛАР ЮВИЛГАЙ

КЕЙИНГИ ойларда воҳа ва унинг ташқарисида Хоразм тарихига муносабат кескин ўзгарди. Кўплаб янги илмий ва оммабоб адабиётлар яратилди.

Қадимий ўлка тарихини қайта тиклаш бобидаги саъй-ҳаракатлар вилоят ҳокимлиги томонидан яратилган «Мерос» дастури доирасида рўёбга чиқарилаётгани эътиборга моликдир. Ҳоким режасининг ижобат топишида 130 йиллик танаффуздан сўнг қайта фаолият кўрсата бошлаган китобноширлик хизматининг аҳамияти катта бўлаяпти. Вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Ҳусайн Раҳмоновнинг маълум қилишича бошқарма қарамоғида ўтган йилнинг бошидан бўён фаолият кўрсатаётган «Хоразм» нашриёт матбаачилик бирлашмаси маҳаллий қаламкашлар ва ўтмиш алломаларининг 50га яқин китобини чоп этди. Уларнинг тенг ярми тарихий мавзудаги асарлардир. Нашриёт ўтган йилнинг сўнгги ойида беназир шоир ва номдор полвон Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва шеърияти дунёси ҳақида ҳикоя қилувчи «Табаррук ташриф» шунингдек, «Лаппасий», «Маъмун академияси шамчироғи», «Жалолиддин», деб номланувчи китобларни кечмиш илми муҳлисларига тортиқ қилди.

«Мерос» дастурида ўтмишни ҳаққоний тадқиқ этиш борасидаги жонкуярлик ва фидокорликларни муносиб тақдирлаш масаласи ҳам кўзда тутилган. Ҳозир вилоятнинг бир гуруҳ таниқли олимлари ва иқтидорли тадқиқотчилари бир неча жилддан иборат «Хоразм тарихи»ни яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Демак, «Қизил империя салтанати» йилларида атайлаб эзғин ёпилган тарих саҳифаси қопқалари бутунлай очиладиган, саҳифалардаги «оқ» ва «қора» доғлар бутқул ювиб ташланадиган давр узоқ эмас.

Эркин БЕКМАТОВ,
Озод АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари номзодлари.

• Инсон ва қонун

ТАЯНЧ НУҚТАСИНИ ИЗЛАБ...

ЁШ ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ХУСУСИДА ҲУҚУҚШУНОС МУЛОҲАЗАЛАРИ

Айблаш фикрларини тасдиқлаш олдидан жиноий ишлар билан танишаётганимда «вояга етмаган фалончи» деган жумла қалбимни зирқиратиб юборади. Негаки, у энди ҳаётга кириб келаётган ёки кириш арафасида турган бир Инсон. Унинг бундан кейинги ҳаёти нима бўлади: эртага суд, индинга жазони ўташ муассасаси ёки қамоқ... Ёруғ дунёга келиб ҳали ҳеч нимани кўрмаган ва баъзан ўзининг хатти-ҳаракатлари жиноят эканини ҳам тушуниб етмаган ўсмир жазони ўтаб, яна эркин ҳаётга қайтгунича ким бўлиб тарбияланади! Худди мана шу саволга жавоб биз ҳуқуқшуносларни ҳам ташвишга солади.

Чунки жазони ўташ муассасаларимиз «аҳлоқ тузатиш колонияси», «меҳнат-тарбиялаш колонияси» деб аталгани билан у жойлар ҳали етарли даражада фаолият кўрсата олмаяпти. Ёшлар ва ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликнинг тахминий маълумотлари ҳам «у ерларда» ўсмирларнинг кўпи том маънода тарбияланиб қайтмаётганидан далолат беради.

Хўш, нима қилиш керак? Ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиб бораётган суръатини тўхтатиш, камайтириш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш зарур?

Бу ниҳоятда долзарб ва айни пайтда кенг қамровли савол. Ўттиз йилдан ортиқ тажрибага эга прокурор бўлатуриб, мен бу саволга тўла жавоб бера оламан, деб айтолмайман. Чунки бу вазифани бажариш фақат ҳуқуқшуносга тегишли эмас, балки, энг аввало, ота-она, педагоглар, социологлар ва бошқа яна кўп соҳалар мутасаддиларининг юмушидир. Фақат бир омилни дадил айтишим мумкин: **тарбия, тарбия ва яна тарбия!**

Бу эса осон иш эмас. Ҳой, ўғирлик қилма, ҳой, безорилик қилма деб тергаб туриш — тарбия эмас. Бутун тузумнинг ғоявий тарбия йўналишини қайта ишлаб чиқиш даркор. Бунда менинг кўнглимга таскин берадиган бир нарса — Ўзбекистон ва бошқа Ўрта Осиё республикалари энди мустақилликка эришгач, ғоявий-тарбия соҳасида туб бурилиш ясаш учун «Американи кашф қилишларига» ҳожат йўқ: мусулмон оламининг инқилобдан олдинги тарбиясидан фойдаланиш лозим. Мен Ўзбекистонда туғилганим учун болалигимдан сувга тупуриш гуноҳ экани, ўғирлик қилган одам дўзахга тушиши, нон увоғини босган кишининг кўзи кўр бўлиши каби тарбиялар ичида катта бўлганман. Ҳозир Араб давлатларига бориб келаётган кишилар ўз ерларда дўконга пешинда ҳам, кечқурун ҳам қулф солинмаслигини ҳайрат билан гапиришади. Ҳолбуки, нафақат ўктябр инқилобидан аввал, балки яқин ўтмишда — ўттизинчи йилларда ҳам Эски шаҳар бозорларида Арабистондагидек эди — майда дўконларга қулф осилмасди, деҳқонлар бозорга келтирган маҳсулотларини кечқурун пештахтада қолдириб, эрталаб келиб яна савдо қилаверардилар...

Қўлимдаги вояга етмаганлар жиноятига оид иккита «дело»ларни варақлаб, беихтиёр юқоридаги хаёлу хотиралар миямда жонланди. Мана, буни қаранг, ўн беш-ўн олти ёшли болалар бири иккинчисини тунаяпти, магазинга кириб кетган кишининг велосипедини ўғирлаб кетишмоқда... Ошналар Петр Астахов билан Вячеслав Гушин Чилонзордан вокзалга не иш биландир келишибди. Қарашса, уйга қайтишга пуллари йўқмиш. Ўзларидан кичикроқ ёшдаги икки йигит кўзларига «ўлжа» бўлиб кўринган. Қўрқитиб, жисмоний куч ишлатиб, иккисининг чўнтагидан бор пулини — беш сўмдан ўн сўмни «қоқиб» олишган. Шугина эмас, уларнинг биридан кейинчалик 30 сўм баҳоланган камаричи ҳам ечиб олганлар. Тарқаб улгуришмасидан милиционерлар келиб қолиб, жажжи босқинчилар қўлга тушган. Миробод район халқ суди мажлисида улар ўз қилган ишларининг жиноят эканини, охири суд билан тугашини билмаганликларини «самимий» тан олишди. Ва бу — энг ёмони: бизда ҳуқуқий тарбия ниҳоятда оқсайди. Мактабларда ҳуқуқ дарси бор, лекин у номигагина. Кўпинча ўқитувчиларнинг ўзлари ҳуқуқни яхши билишмайди. Менимча, ҳуқуқ дарсини ўтишга бевосита ҳуқуқшуносларни жалб этиш йўлларини ўйлаш ва уни жорий этиш зарур.

Ўтган йил 7 сентябрь куппа-кундузи Лоҳутий кўчасидаги воситачи дўкон олдидан «Кама» велосипеди йўқолган. Маълум бўлишича, уни 8-синф ўқувчиси Александр Косарев ўғирлаб кетган экан. Халқ суди унинг қилмишини ҳам баҳолади — уч йил озодликдан маҳрум этиш жазосини ижро этиш икки йилга кечиктирилди. Яъни икки йил ичида у қайта жиноий ишга қўл урмаса, жазони ўтаган ҳисобланади. Пайқагандирсиз, бу ишда жиноятчининг вояга етмаганлиги ҳисобга олиниб, унга икки йил, гўё синов муддатидек белгиланди. Агар бу синовдан яхши ўтса, у ёғига яхши бўлиб кетиши, тўғри йўлни топиб олиши кўпроқ эҳтимолга яқин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида ўсмирлар жиноятчилигининг олдини олиш, камайтиришга алоҳида эътибор билан ёндошилмоқда. Натижада, маълум даражада «камайиш» кўзга ташланиб қолди: 1991 йилда районимизда 172 та ўсмирлар жинояти содир этилган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 156 тани ташкил этди. Ички ишлар бўлимининг болалар назорати инспекциясида рўйхатда турувчи, спиртли ичимлик истеъмол қилувчи ўсмирлар сони ҳам камайди.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 2-бандида «Прокуратура идораларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан мустаҳкамланган давлат мустақиллиги ва ижтимоий давлат тузумини, сиёсий ва иқтисодий тизимларини ҳар қандай ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган», дейилади. Ўғирликларнинг аксарияти балоғатга етмаган ўсмирлар томонидан содир этилмоқда. Бундай «ўсиш»да кўплаб видеосалонларда кўрсатилаётган зўравонлик, фаҳшни тарғиб қилувчи хорижий фильмларнинг, ошкоралик ниқоби остида бирқанча газета-журналларда чоп этилаётган ҳар хил бўлмағур мақола ва суратларнинг ҳам «беғараз ёрдам»и бор. Бир қушбон «Мен қушларни тарбиялаяпман» — деганида унга жавобан қуш тилида «Қанот ёздирмаган тарбиягаю тарбиячига лаънат бўлсин» — дейишган экан. Яна бир мақол: «қуш уясида кўрганини қилади». Тажрибаларимдан келиб чиқиб шуни ҳеч иккиланмай айтишим мумкинки, балоғатга етмаганларнинг нотўғри йўлларга кириб кетишида асосан оиланинг роли жуда каттадир. Америкалик педагог Ф. Адлер таъбирича, оила мўъжазгина бир жамиятча бўлиб, бутун инсоният жамиятининг дахлсизлиги ҳам унинг жипслигига боғлиқ.

Умуман олганда, балоғатга етмаганлар ўртасида содир этиладиган безорилик ҳоллари собиқ тузумда ҳам авж олган эди, ҳозир ҳам учраб турибди. Фақат ўртадаги фарқ шуки, узоқ вақт қафасда сақланган полапон озодликка қўйиб юборилгач эркин парвоз қила олмай, ўзини ўтга ҳам, чўғга ҳам ураверади-ку, худди шундай кўпгина ёшлар осон пул топиш йўлига ўтиб кетмоқдалар. Бу эса, аввало, оилада соғлом муҳит ночорлигидан далолат беради.

Бугунги кунда фақат ички ишлар органига қараб ўтирмай, бунақа жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, амалда қўллаб кўрмоқдамиз. Айтиш керак, сўнгги пайтда ўсмирлар ўртасида энг кўп безорилик содир этиладиган 110-мактаб билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик. Ойда бир марта бўлса ҳам ўқитувчилар, ота-оналар иштирокида учрашувлар, суҳбатлар ўтказяпмиз. Зора, яқин ўтмишда йўқотганимиз — ўсмирлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг таянч нуқтасини топсак...

Ўсмирлар ўртасида жиноятчиликни камайтиришни тубдан яхшилайдиган йирик ғоявий-тарбиявий чораларни ишлаб чиқишимиз ва жорий этишимиз зарур. Мен шахсан мустақил Ўзбекистоннинг мустақил жиноят қонунлари ва мустақил, янги ғоявий тарбия тизими бўлишининг тарафдориман.

А. ГАЗАРБЕКОВ,
Тошкент шаҳар Миробод райони прокурори.

РАҚҚОСАЛАР ЎЙНАСА... Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ЭЪЛОНЛАР

"ЎЗПЎЛАТКОНСТРУКЦИЯ" ИЖАРА ТРЕСТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

"Ўзмонтажмахсусқурилиш" ассоциациясининг "Ўзпўлатконструкция" трести 1988 йилнинг 1 декабридан буён ижара пудратида ишламоқда ва қурилиш-монтаж ҳамда бошқа махсус қурилиш ишларини амалга оширмоқда.

Меҳнат жамоасининг илтимосига биноан ижара трестини жамоа корхонасига айлантириш бўйича ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ томонидан комиссия ташкил этилди. "Ўзпўлатконструкция" корхонаси аввалги ижара трестининг барча масъулиятини ўз зиммасига олади ва унинг Уставидаги ҳамма мажбуриятларни, тузилган шартномаларни бажаради.

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Ш. Абдуллаев кўчаси, 4.

ИШЛАРНИ СИФАТЛИ ВА ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИШГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ!

ЭГАСИГА БУЮРДИ

ЖИЗЗАХДА олманинг нархи 50—60 сўм. Қўшни Қозоғистонда эса бундан ҳам қиммат.

Шуни билишган шекилли Ғаллаороллдаги 4-автокорхонанинг шофери Р. Сайдибоев ўртоғи А. Нахилов билан бирга давлат рақами 45—53 ДДВ «КамАЗ» машинасида қўшни республикага 7 тоннадан кўпроқ олмани пуллашга олиб кетаётган эди. Лекин уларни Гагарин — Жетисой йўлида Жиззах вилояти божхонаси ходимлари тўхтатиб қолдилар. Маҳсулотнинг ҳаммаси гагаринликларга насиб этди. Шуни айтадиларда «югурганники эмас, буюрганники» деб.

И. ХОЛМАТОВ.

ПОМИРГА ЕРДАМ

Тожикистоннинг Тоғлик Бадахшон автоном вилояти маркази — Хоруғ шаҳрига Термиздан учган АН-26 юк самолёти келиб қўнди.

САМАЛЁТДА Помир аҳолисига инсонийлик ёрдами — кўп миқдорда қанд, доридармонлар, болалар кийими ва пойабзаллар олиб келинди. Ўша куни Термиздан Хоруғ шаҳрига бошқа самолётда икки тонна ун ҳам келтирилди.

Т. ТУЙЧИЕВ.

АССАЛОМ, ТУРКИЯ!

Иккинчи она юртимиз, кўмкўк денгизлар ва барқутмисол арчазорлар қучоғидаги ниҳоятда ҳаражада гўзал Туркияда 1992 йил 30 октябрь куни, асл туркийларнинг бобо замини бўлмиш Туркий — Ўзбекистонинг элчихонаси очилганда, ака-ука халқларнинг етакчилари, Президентларимиз Турғут ЎЗОЛ ва Ислом КАРИМОВ тантананинг байрам лентасини қирқканларида, Истанбулнинг тарихий Оқсарой мавзеида, Мармар денгизи бўйидаги марғилонлик жигаримиз Усмон ХУЖАНинг «Ўзбек» дея аталмиш ўн қаватли муҳташам меҳмонхонасига тўпланган туркий халқларнинг юзлаб нафар фарзандлари, ёшу-кексалар кўз ёшларини тия олмадилар. Бу шунчаки кўз ёшлари эмас эди. Бу орзу-армонлари ва умиду-қувончлари Яратганга етиб борган, Оллоҳга, Муҳаммад алайҳиссаломга яқин, буюк бир халқнинг шукрона, тавба-тазарру ёшлари эди. Кўнгилдаги кекса бир онахон эса Туркистондан борганларни «Она юртимнинг гардини кўзларимга суртай» дея бирма-бир тавоф қиларди...

Бу замида қозоқ бовурларимиз, қирғиз туғғанларимиз ва туркман оғаларимизнинг ҳам элчихоналари очилиши том маънода Темурий ота-боболаримиз асрлар мобайнида орзу қилган туркий иймоннинг, эътиқоднинг байрами бўлди.

Ҳамон ўша саодатли дақиқаларнинг руҳидаман. Фарғонада бошланиб, Андижон-у Наманганда қоғозга туша бошлаган, сўнгра уч денгиз оша Истанбулда давом этган, Кўнгил шаҳрида, ҳазрат Мавлоно Жалолиддин Румий зиёрати, Оқ денгиз, Анталия ва Анқара сафари - таассуротларидан жонланган бағишлов шеъри худди шу дақиқаларда ўз ниҳоясига етди.

Бу сатрларни чексиз бир армон, муқаддас бир илинж, бетакрор бир меҳр-муҳаббат билан Туркияга, унинг улуғ халқига, қондош ва жондошларимга бағишладим.

Нурали ҚОБУЛ.

АССАЛОМ, ТУРКИЯ, ОНАЖОН ВАТАН
БАҒИШЛОВ.

Ассалом Туркия, Онажон Ватан,
Буюк туркийларнинг қутлуғ тупроғи.
Сенга фидо бўлсин, жон, иймон ва тан,
Эй туркий армоннинг сўнмас ёнроғи.
Нақорат:
Ота улус туркимсан,
Бошимдаги бўркимсан,
Тоғда ўсган зиркимсан,
Шоним, қоним, кўркимсан.
Усмонли тарихим, Султонли тахтим,
Евроосиёда якто гулистон.
Отатурк руҳида яшаган бахтим,
Мангу дуоғўйинг Бобо Туркистон.
Нақорат:
Туркий қонлар, туркий шонлар,
Асл туркий имконлар.
Бир бўлинг, бирдам бўлинг,
Келди дорул замонлар.
Сен муқаддас замин, Тангрига яқин,
Жаҳонгир аждодим, ёвқур ва танти.
Сен туркий самода чақнаган чақин,
Денгизлар ҳоқони, Қуёш фарзанди.
Нақорат:
Ота улус туркимсан,
Бошимдаги бўркимсан.
Тоғда ўсган зиркимсан.
Шоним, қоним, кўркимсан.
Ўтмиш хатолари қайтмас, бас энди,
Ғолиб фотиҳларнинг бутун бешиги.
Сен болданда ширин, Тотлисан энди,
Она Осиёнинг олтин эшиги.
Нақорат:
Ота улус туркимсан,
Бошимдаги бўркимсан.
Тоғда ўсган зиркимсан,
Шоним, қоним, кўркимсан.
Шукрким, дунёда сен борсан юртим,
Туркий улуғликнинг тенгсиз тимсоли.
Сенсиз Турк дунёси бўлмагай бутун,
Сенсиз бу олам ҳам ғариб мисоли.
Нақорат:
Туркий қонлар, туркий шонлар,
Асл туркий имконлар.
Бир бўлинг, бирдам бўлинг,
Келди дорул замонлар.
Ассалом Туркия, Онажон Ватан,
Буюк туркийларнинг қутлуғ тупроғи.
Сенга фидо бўлсин, жон иймон ва тан,
Эй-й, туркий армоннинг сўнмас ёнроғи.

"ИРГИДРОМАШ"

Ўзбекистон тажриба ишлаб - чиқариш бирлашмасига қуйидаги касбларга эга бўлган малакали ишчи ва мухандислар керак:

1. ТОКАРЛАР.
2. ФРЕЗЕРОВЩИКЛАР.
3. ЧПУ - станок жиҳозларини бошқарувчи ва созловчилар.
4. ЭЛЕКТР - ПАЙВАНДЧИЛАР.
5. ЮҚОРИ РАЗРЯДЛИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЛАР.
6. ЦЕХ БОШЛИҒИ ВА МАСТЕР вазифасида ишлай оладиган тажрибали мухандислар.
7. 1-ТОИФАЛИ МУХАНДИС - КОНСТРУКТОРЛАР.
8. 1-ТОИФАЛИ МУХАНДИС ТЕХНОЛОГЛАР.
9. Иш тажрибасига эга бўлган МИҚДОРЛОВЧИЛАР.
10. КЎТАРМА КРАНЛАРНИ БОШҚАРАДИГАН КРАНЧИЛАР.

Иш ҳақи келишилган ҳолда берилади.
Талабгорлар оилавий ётоқхона билан таъминланадилар.
Болалар учун боғчаларда жой ва ишчиларга хизматхона уйлари ажратилади.
Ишга қатнов хизмат транспортлари билан таъминланади.

Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг:
Водник даҳаси, Хусайн Бойқаро кўчаси, 41. Ходимлар бўлими.

Транспортлар: Инқилоб ҳиёбонидан 12-автобус, Горький метро бекатидан 110, 175-автобуслар, Янгибозор қишлоғидан 195-маршрут, Чкалов метро бекатидан 54-автобус, "Самарқанд" автостанциясидан 99-автобусларнинг "ИРГИДРОМАШ" бекати.

МАЪМУРИЯТ.

ТАНЛОВ

БАХШИЛАР НИМА ҲАҚДА ҚЎЙЛАШАДИ?

Шоир бахшиларнинг республика танловида халқнинг шу севимли санъатини авайлаб, давом эттириб келаётган бахшилар иштирок этдилар. Бу гал халқ истеъдоди ижодининг кўриги Самарқанд вилоятидаги Оқтош шаҳрида, Ўзбекистоннинг машҳур бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг юртида бўлиб ўтди.

Беллашувда Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоятларидан 30 нафар бахши иштирок этди. Танлов шартларига кўра, бахшиларга ўзи яратган асарлардан бирини ижро этиш имкони берилди. Бахшиларнинг кўпчилиги ўз асарларини Ислом шоир Назар ўғлига бағишладилар. Танловда ижро этиладиган иккинчи асар халқ достонларидан бўлиши керак эди. Бу достонларнинг кўплари ҳозир Ўзбекистон халқлари мусиқий фольклор санъати хазинасидан жой олган.

Беллашув ташкилотчиларининг таъкидлашларича бугал танлов қатнашчилари орасида ёш ижрочилар кўп эканлиги қувончлидир. Бу эса аждодларимизнинг бой мусиқий анъаналари авайлаб сақланаётганлигидан, бу анъаналар ҳозир давом эттирилиб ривожлантирилаётганлигидан даракдир. Кўпгина шоир бахшиларнинг бу жанрга содиқлиги оилавий анъана бўлиб қолган. Шу сабабли кўпгина ижрочилар беллашувга оилалари билан келишди. Чунончи, Ислом шоир Назар ўғлининг набираси Зиёдулло бахши Исломов ўз бобосининг анъанасини давом эттирмоқда. У танловда биринчи ўринни эгаллади. Бош совринни эса хоразмлик Норбек Абдуллаев олди.

Танлов Ислом шоир Назар ўғли туғилган куннинг 120 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари доирасида ўтказилди. Машҳур бахшининг юртида унинг уй музейи очилди, Ислом шоирга ҳайкал ўрнатилди.

— Бундан олдин Сурхондарё вилоятида ўтказилган танлов якунларига кўра биз Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда бахши шоирлар асарларини нашрга тайёрладик, — деди илмий-услубий марказ директорининг ўринбосари Ў. Д. Тоҳиров. — Бу йил биз бахши шоирлар ижодини ўрганиш мақсадида экспедиция ташкил қилмоқчимиз. Экспедиция таркиби марказимиз мутахассисларидан, ёзувчилардан, мусиқашунослардан иборат бўлади.

Ўзбекистонда яшайдиган халқларнинг оғзаки ижодини ўрганиш республика марказининг эътиборида турибди. Ўтган йили Тошкентда иш олиб бораётган қозоқлар маданият маркази билан биргаликда Республика ва Қозоғистоннинг Чимкент вилояти оқинларининг беллашуви ўтказилди. Ўрта Осиё мамлакатлари маданият вазирликлари илмий-услубий марказларининг раҳбарлари халқ ижодиёти соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномани имзолашга тайёрлаб қўйдилар.

И. ГРЕБЕНЮК.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1992 йил 10 ноябрдаги 517 сонли қарорига асосан Тошкент вилояти «Пахта саноати» ишлаб чиқариш бирлашмаси тугатилди.

Барча даъволар билан бир ой муддат ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700060, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 8-а уй. Телефон: 56-39-30.

Тошкент Кимё технологияси институтининг ректорати, «Аналитик кимё» ва «Сопол ва шиша кимё» технологияси» кафедралари жамоалари кафедра мудирлари доцент Ш. Азимов ҳамда ректор муовини профессор А. Исматовга оналари

Манзура ая АЛИМУҲАММАД ҚИЗИнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бухоро Давлат университетининг профессори Ҳ. Ғ. Неъматовга оналари

Муҳаббатхон ая МИРЗАЕВАнинг

вафот этганликлари муносабати билан чуқур ҳам дардлиқ билдирамиз.

Устознинг бир гуруҳ шогирдлари.

Тошкент Давлат университетининг ректорати ва ўзбек филологияси факультети жамоаси умумий тилшунослик кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Шавкат Раҳматуллаевга рафиқаси

Паттихон ШОДИЕВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Газетанинг ушбу сонига А. Йўлдошев, О. Раҳимов навбатчилик қилишди.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Саидаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

● Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Буюртма Г — 33. 1 2 3 4 5 6